



**ЁШ ШАРҚШУНОСЛАРНИНГ АКАДЕМИК  
УБАЙДУЛЛА КАРИМОВ НОМИДАГИ  
XII ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ  
ТЕЗИСЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2016



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА

ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ МАРКАЗИ

**ЁШ ШАРҚШУНОСЛАРНИНГ АКАДЕМИК  
УБАЙДУЛЛА КАРИМОВ НОМИДАГИ  
XIII ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ  
ТЕЗИСЛАРИ ТЎПЛАМИ**

ТОШКЕНТ – 2016

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 январдаги 33-Ф-сонли фармойиши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 23 январдаги 27-сонли буйруғи асосида тайёрланиб, Тошкент давлат шарқишунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёмалари маркази Илмий кенгашининг 2016 йил 27 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига биноан нашрга тавсия этилган.

Конференциянинг XIII йиғилиши тўпламига етмишдан ортиқ тезислар жамланган бўлиб, уларда манбашунослик ва матншунослик, тарих ва тарихшунослик, тил ва адабиёт, фан тарихи, фалсафа, ислом ва тасаввуф, халқаро муносабатлар ва бошқа ижтимоий-гуманитар йўналишдаги турли масалаларни ёритишга ҳаракат қилинган.

### *Тахрир ҳайъати*

*С. Каримова, Г.Рихсиева, С.Файзиева, Н.Тошев, С.Ғуломов,  
Ў. Султонов, А. Жуманазаров, Ш. Исламов, К. Раҳимов,  
И. Қаюмова*

## МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК

*Ж. Тогаев. ЎзМУ,  
Ф. Тогаев. ТерДУ*

### **“Авесто” қадимги давр ижтимоий-иқтисодий муносабатларини ёритувчи муҳим манба**

Авесто – Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларининг бебаҳо бойлиги бўлиб, у жаҳон тарихида диний, ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий тасаввурларнинг манбаи сифатида эътироф этилади. Авесто дастлаб, 1771 йилда француз олими А. Дюперрон томонидан таржима қилинган. Ғарбий Европада Авестони ўрганишга Ф. Альтхейм, В. Хеннинг, Е. Херцфельд, И. Гершевич, М. Бойс, Р. Фрай ва бошқалар муҳим ҳисса қўшганлар. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб манбанинг рус тилидаги нашрлари пайдо бўлди. XX аср мобайнида Авесто тўғрисида Е.Э. Бертельс, М.М. Дьяконов, В.И. Абаев, И.С. Брагинский, В.А. Лившиц, И.М. Оранский, И.В. Рака, И.В. Пьянков, М. Исҳоқов ва бошқа олимларнинг асарларида қимматли маълумотлар келтириб ўтилган.

Дастлаб Авесто 21 та китобдан иборат бўлган. Ҳозиргача унинг Ясна, Висперат, Яшт, Вандидод каби қисмлари сақланиб қолган. Авесто ва умуман илк ёзма манбалардан фойдаланишда, уларни доимий равишда танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш зарур. Чунки баъзи бир маълумотлар афсоналарга асосланган. Шунга қарамасдан, Авесто минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт тўғрисидаги энг қадимги маълумотларни камраб олган бўлиб, уларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Авестода тасвирланган жамият ва ижтимоий жараёнлар кўп ҳолларда, мил. авв. VIII–VII асрларда Марказий Осиёда содир бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга мос келади. Ушбу жамият “ҳарбий демократия”, яъни илк давлатчиликка ўтиш босқичидаги



Кулуева Ф. Возникновение и развитие идей о демократии в Центральной Азии .....	101
Усманова У. Оғзаки тарих методи асосида илмий-тадқиқот олиб бориш масаласига доир .....	104

## ТИЛ ВА АДАБИЁТ

Atakulov M. Yusuf Xos Hojibning “Qutatg’u bilig” dostoni ma’naviy madaniyatimizning noyob namunasi sifatida .....	107
Лутфиллаев Х. Шарқ кўлёмалари маркази (асосий) фондидаги XI-XIV асрларга тегишли айрим девонлар хусусида .....	109
Исматуллаев А. Саййид Шариф Журжонийнинг “Сарфи Мир” асари ҳақида .....	111
Мадалиева О. Навоий шеърляти тилида кўрув феъллари услуби .....	114
Ҳасанова Ш. “Қуш тили” мавзусидаги янги дoston ҳақида .....	117
Эшмуҳамедова М. Манбаларни варақлаганда .....	120
Файзиёва С. Зуллисонайн шоир Адо асарлари .....	123
Амонов М. Азиз Ғузорий .....	126
Жабборова М. “Қиссаи Жамшид”нинг халқ варианты .....	128
Муҳиддинова Д. Замонавий араб ҳикоянавислигида анъана ва новаторлик .....	134

## ФАН ТАРИХИ

Раҳимов К. Сополли маданиятининг металл эритиш ўчоқлари .....	138
Маҳмудов О. Европада шарқ олимлари илмий меросини ўрганишда толедо мактабининг ўрни хусусида .....	141
Абдуллаев Б. Кошийнинг “Зижи Хоконий” ва Улугбекнинг “Зижи жадиди Гурагоний” асарлари орасидаги фарқлар .....	145
Shukurxo’jayev M. Ali Qushchining hayot yo’liga bir nazar .....	147
Жуманазаров Х. Табибларнинг халқ орасидаги номлари .....	150
Бердиев Х., Чориев У. Нурота воҳаси топонимлари таснифига оид .....	153

## ФАЛСАФА

<b>Rustamov B.</b> Ibn Sino falsafiy qarashlarining bugungi kundagi ahamiyati .....	157
<b>Mirsagatova N.</b> Sarvapali Radhakrishnanning falsafiy g'oyalari .....	169

## ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФ

<b>Умурзоқов Б.</b> Имом Бухорийнинг фикр қарашлари .....	163
<b>Муҳамедов Н.</b> Шош (Тошкент) илмий-маданий Марказ сифатида (IX–XV асрлар) .....	167
<b>Муҳаммадиев О.</b> Усмандий ас-Самарқандийнинг илмий фаолиятига бир назар .....	171
<b>Rahmonov B.</b> Moturidiylik ta'limotida takfir masalasi xususida .....	176
<b>Раҳимов К.</b> Тасаввуф таракқиётининг иқтисодий негизлари .....	179
<b>Жабборов Н.</b> Яссавий мероси ва тарикатини ўрганишдаги муҳим даврлар .....	184
<b>Боймуродова З.</b> “Закот” тарихий тушунчасининг тавсифи ва моҳияти хусусида .....	187
<b>Джаббарова И.</b> Мовароуннаҳрда қозилик иши тарихидан .....	190
<b>Собиров Ў.</b> Диний мутаассиб шахснинг яхлит профилини ўрганишнинг аҳамияти .....	194

## ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

<b>Тоҳтиев Ш.</b> XX асрнинг 70-80 йилларида ЭИР ички ва ташқи сиёсатида Оятулло Ҳумайний бошчилигидаги диний уламоларнинг роли .....	197
<b>Пономарева Т.</b> Создание ШОС и БРИКС как пример увеличения роли интеграционных процессов современности .....	201
<b>Акрамова Ш.</b> Основные этапы модернизации Китайской Народной Республики .....	204
<b>Турдиева Д.</b> Жануби-шарқий Осиё минтақаси давлатларининг халқаро терроризмга қарши курашдаги фаолияти .....	207

шаҳид шогирди (халифа) Қамариддин Ғузорий дорулфанодан (дорулбакога) сафар қилди”, ёзув сўнггида “Усто Зиё” деб битилган. Қабртошнинг чап томонида “Хотифий Равзаъ муқаддас гуфт” деган ёзув қайд этилган. Шоир Хотифий<sup>144</sup> томонидан айtilган ушбу сўз орқали биз халифа Қамариддин вафоти санасини аниқлаш мумкин. “Равзаъ муқаддас” сўзидан абжад ҳисобида ҳижрий 1280, милодий 1863 йил ҳисоби чиқади. Демак, халифа Қамариддин Ғузорий ҳижрий 1280/1863 йилда Ғузурда вафот этган. Халифа Қамариддин хаттот Мир Хусайн Хуррабий берган маълумотга кўра, ҳижрий йил ҳисоби бўйича 99 йил умр кўрган ва Хузурда вафот топган. У иршод маснадини жами 11 йил бошқарган.

Юқоридаги маълумотларга қараганда халифа Қамариддин тах. 1767 йилда таваллуд топиб, қарийб бир аср ҳаёт кечириб, 1863 йилда дунёдан ўтган.

Ислом шайх Каррухийнинг яқин издоши Сайид Хожа (Сайидои) Каррухий қаламига мансуб “Ганжнома” асарининг ТошДШИ хузуридаги Шарк қўлёзмалари марказида 4361 рақам остида сақланаётган нусхасининг 80а варағида “Ганжномаи Сайидо ба фармудаи халифа Қамариддин” деб келтирилган. Яъни Сайидо Каррухийнинг “Ганжнома” асарининг ушбу нусхаси бевосита халифа Қамариддин сўзи билан номаълум хаттот томонидан тасниф этилган.

---

<sup>144</sup> Хотифий таҳаллуси билан ижод қилган шоирлар кўпчиликни ташкил қилади. Ислом шайх Каррухийнинг шогирдларидан бири Олим хожа Қаршигий ҳам “Хотиф” таҳаллуси билан ижод қилган. Яна бири Абдунаби бўлиб, Хўжанд шаҳрида таваллуд топган. Сўфийлик илмидан бохабар бу шахс, Мирзо Қаландар Исфарагийнинг кўёви бўлган (Пўлотжон Қаюмов. Хўканд тарихи ва унинг адабиёти. Тошкент, 2011. Б. 31-33).



*М. Жабборова*  
*ТДПУ*

### “Қиссаи Жамшид”нинг халқ варианты

Халқ қиссалари адабиётнинг асрлар оша сайқалланиб, турли образлар орқали тилларда дoston, эл орасида машҳур бўлган бой меросидир. Унда халқ ижодининг оғзаки ва ёзма жанрлари ўз аксини топади. Бундай қиссаларнинг ёзма варианты, одатда, илмий адабиётларда “халқ китоблари” номи билан юритилади.

Халқ қиссаларининг яратилиши ҳам муайян тарихга эга. Шоирлар халқ ижодидаги тайёр сюжет ва қаҳрамонлар саргузаштини ўз ижодий лабораторияларида қайта ишлаганлар, уларга тарихий шароитнинг талаб ва эҳтиёжлари тақозо қилган айрим ўзгартиришларни киритиб, бадиий жиҳатдан сайқал бериб, уларни ёзма адабиёт намуналарига айлантирганлар. Хусусан, “Шоҳнома” қаҳрамонлари ўзбек халқи орасида кенг шуҳрат қозониб, улардан айримлари ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида ижодий қайта ишланди. “Қиссаи Жамшид” асари ана шундай анъанавий сюжет ва образни қайта ишлаш асосида яратилган халқ ижоди намунасидир. Ушбу асарнинг оғзаки ва ёзма вариантлари ўз даврида эл орасида жуда машҳур бўлган. Одамлар маҳалла-ю гузарларда йиғилиб қиссахонлик кечалари ташкил қилиб, ўзбек халқ қиссалари қатори Жамшид қиссасини ҳам мутолаа этишган.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалари марказининг нодир қўлёзмалар фондида халқ китоби “Қиссаи Жамшид”нинг бир қанча қўлёзма ва нашрий нусхалари сақланади. Кейинчалик ушбу қиссанинг оғзаки варианты ҳам ёзиб олинган.

ЎЗР ФА Тил ва адабиёти институтининг “Фольклор архиви”да қиссагўйлар, бахшилар томонидан айтилган ва магнит тасмаларига муҳрланган халқ китобларининг оғзаки вариантлари ҳам сақланади. Мазкур захирада “Жамшид эртаги” ва “Жамшид қиссаси” номи билан аталувчи қиссанинг икки хил халқ нусхаси

мавжуд. Қиссанинг ушбу икки намунаси ҳам бир айтувчидан, Тоҷикистон Республикаси Қўрғонтепа вилояти, Ёввон туманида яшовчи Тангиров Холбой акадан ёзиб олинган. “Жамшид эртаги”<sup>145</sup> 1974 йилда, “Жамшид қиссаси”<sup>146</sup> 1977 йил 15 июнда магнит тасмаларига муҳрланган.

Ушбу “Жамшид қиссаси”нинг баъзи жиҳатларини таҳлилга тортамыз. Қисса воқеалари шундай бошланади. Рум шаҳрида Нух пайғамбар подшолик қилиб утгач, унинг авлоди Ҳушанг, Душанг, Пушанг, Алп Фаришта, Довуд Тамруз шохлик қилиб оламдан ўтишади. Кузатганимиздек, қиссанинг бошланиши анъанавий сюжетдаги каби, фақат фарқли жиҳати, “Шоҳнома”да Жамшиднинг шажараси Нух пайғамбарга боғланмайди. Фирдавсий Жамшидни Каюмарс одамнинг авлоди сифатида тасвирлайди. Ушбу талқин, яъни “Жамшидни Нух пайғамбарнинг насли сифатида келтириш” Дийнаварийнинг асарида учрайди. Ўзбекча Жамшид қиссасида ҳам ушбу анъана кузатилади. Тасмадаги ушбу қиссагина кириш қисми қиссанинг *прологини* ташкил этади, яъни асосий сюжет бошланишидан олдин “кириш сўзи” айтилади.

Кейинги воқеаларда тасвирланадиган Жамшид билан боғлиқ барча саргузаштлар оғзаки ва ёзма манбаларда ўхшашликка эга. Бироқ баъзи тафовутлар ҳам мавжуд. Масалан, Жамшидни синаш воқеаси ҳам вариантларда турлича берилган. Оғзаки вариантда Жамшиднинг йўлига чиройли безатилган кўғирчок билан бобоси Нух пайғамбардан қолган саричой(ёй)ни кўяди. Жамшид келиб, буларни кўради ва отасининг синамоқчи эканлигини билади. Кўғирчокни синдириб ташлаб, “Ҳазрати Нух пайғамбардан қолган саричойни олиб, бир тол ўкни солиб тортти. У боши бу бошига жипс тегди. Ҳар бошидан гуриллаб ўт чиқаверди. Ош пишириб, гўшт пишириб тортиб, тўхтатиб жойига кўйиб” отасининг олдига кириб боради.

Ёзма қиссада тасвирланишича, Тахмураснинг икки ўғли булади. Каттасининг исми Қаҳрамон, кичик ўғлининг исми

<sup>145</sup> Жамшид эртаги. Айтувчи Х.Тангиров. 1974. Инв. №84.

<sup>146</sup> Жамшид қиссаси. Айтувчи Х.Тангиров. 1977. Инв. №102.

Жамшид. Шоҳ Таҳмурад икки ўгли ўйнаб ўтирганида кичигига қараб тикилиб қолади. Шунда онаси: “Эй подшоҳ, бу ўғлунгизда нима сир кўрдунгиз? – деди. Шоҳ Таҳмурад девбанд айдик: “Бир мунча кўғурчок ва бир мунча ошук ва ўз ҳолига яраша ўқ-соғдоқ, найза ва қилич олиб келингллар. Мен бу ўғлумни синаб ва озмоиш қилиб, боқай”, – деди”<sup>147</sup>. Буларнинг барчасини тайёр қилишади. Шунда Жамшид бориб “кўғирчокларни ташлаб, они ошукларни олиб, сандукқа сукуб бир фасл ўйнади. Андин ўқ, соғдоқ, найза ва қилични олиб, белига боғлади”<sup>148</sup>. Шоҳ Таҳмурад Жамшиднинг ҳаракатларини кузатиб, унда подшоҳликка хос белгиларни кўради ва ўз ўрнига подшоҳ қилишини васият қилади. Таҳмурад вафот этгач, ўрнига Жамшид подшоҳ бўлади.

Қиссанинг ёзма, яъни дастхат ва нашрий манбалари 1821 йилдан 1916 йилгача амалга оширилган. Оғзаки варианты эса 1974–1977 йилларда ёзиб олинган. Асарнинг дастлабки нусхасида Жамшидни синаш мотиви бошқачароқ тасвирланган: отаси кўғирчок, ошиқ, ўқ-соғдоқ, қилич каби қурол воситалари орқали унда ҳарбий аслаҳага, давлатни бошқаришга қизиқиши бор-йўқлигини аниқлайди. “Нуҳ пайгамбарнинг ёйи”ни кўтариш лавҳаси қиссага кейинроқ, Хунхор томонидан Баҳромни синаш лавҳасида киритилган. Оғзаки вариантда эса асарнинг бошидаёқ Довуд Тамруз етти ёшли Жамшидга бобоси Нуҳ пайгамбардан қолган ёйни кўтартириб, асли ўзининг насли эканлигини аниқлайди. Демак, ўзбек халқ достони “Алпомиш”га хос бўлган “етти ёшли боланинг бобосидан қолган ёйни кўтариши” лавҳаси қиссанинг кейинчалик оғиздан оғизга ўтиб сайқалланиши жараёнида қўшилган. Экспозицияда келтирилган ушбу синов мотиви орқали қисса қаҳрамонининг шунчаки жасурлиги эмас, унинг куч-қудрати бекиёслигини тушуниб етилади ва воқеа давомида ундан “қатта натижалар” кутилади.

Қисса тили ўзига хос образли ва жонли чиққан. Қиссагўйнинг тилимизда мавжуд бўлган бир қатор тасвирий-

<sup>147</sup> Жангномаи подшоҳ Жамшид. Тошбосма. Инв. №118. Б.5.

<sup>148</sup> Ўша асар. Б.5.



ифодавий воситалардан унумли ва моҳирона фойдаланган кассанинг ютуғидир.

Асар тилида ўша давр тилининг “луғат таркибида энди пайдо бўлган” “*электр чирози*”, “*дурбин*”, “*обед*”, “*солдат*” каби *неологизмлар* ва “чет тиллардан олинган, лекин миллий тил лексик қатламига кирмайдиган” “*совсем*”, “*приказ*”, “*занят*”, “*неужели*” каби *варваризмлар* учрайди.

Шунингдек, қиссада ирония(киноя)вий жумлалар ҳам учрайди. Жувозкаш чолни бир уриб бошини осмонга учириб юборган Жамшид унинг кампирига шундай дейди: “момо сизларни каллаларингиз бўш булама, мен ахир бобонинг соқолига бир нарса қўнган экан, шуни олайн десам, калласи узилиб кетди-ку”.

“Баъзан сўз ва иборалар шундай тартибда жойлаштириладики, гуё бирининг маъноси кейингиси томонидан кучайтириб, ривожлантириб борилгандек бўлади. Бу кучайтириш, деб аталади.”<sup>149</sup> Қиссагўй томонидан қайта-қайта тилга олинадиган мазкур жумла бунга мисол бўла олади. “*Осмоннинг ости, жернинг усти, етти иқлим, дев, пари, инс-жиснга подшо бўлди*”.

Қисса тилида ҳикматли сўз, афоризмлар ҳам кўп учрайди. “Бўрининг боласи бўри бўлади, йўлбарснинг боласи йўлбарс бўлади, тулкининг боласи тулки бўлади”.

Шунингдек асарда ўхшатиш санъатидан ҳам моҳирона фойдаланилган. “Хушрўйлиги Юсуф пайғамбарча, қади-қомати Алича, одамгарчилиги Хотамтойча экан”, “олти юзта полвонини кип-қизил, жап-жанги гиламдек тузиб”.

Айниқса, қиссагўй томонидан муболаға санъатининг ранг-баранг кўринишларини қўлланилиши асар бадииятини янада кучайтирган. “Бир ўйин бўлди осмонда фаришта, кўкта турган парилар тамошо қилди”, “етти тегирмон тоши боғланган гурзиси билан урди, аммо чивин чакқандай бўлмади”, “сен уришни бидмас экансан, деб бир урди, калласи узилиб осмонга кетди”.

---

<sup>149</sup> Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент, 2008. Б. 152.



“бу аскарларнинг сонини худо билмаса, бандаси билмайди. Булардан тангадай жойга кун тушмайди, таёқ ташласа ерга тушмайди”, “Жамшид ўн икки табақ ошни кўрдим демай шипириб урди”, “маликанинг осмонда фаришта, кўкда турган париларга жамоли ғалаба қилур эрди”. Кўриниб турибдики, парчада игрок санъати ҳам синчковлик билан ишлатилган.

Портрет тасвирининг асарда ўзига хос намуналари яратилганлигини кузатамиз. Масалан, Маликаи Дилсўз ҳақида сўз кетганда, “Ўттиз икки зулпини киптига тайлаб, юзига упу-элик уруб, бошига балхий рўмолин чирмаб, оёғига тилла ковуш кийиб” ёки канизаклар тилга олинганда, “оёғига қизил хиром этик, белига гулдор рўмол, эгнига беқасам тўну бошига саллани тайлаб”, деб таъриф-тавсифланади.

Шунингдек муаллиф фразеологик иборалардан ҳам унумли фойдаланган. “Подшонинг нафси қичиб, Лайливашни ўн икки минг тангага сотти”(пулга қизиқиб), “сенинг шумлигинг мени бошимни ёйди”(ташвиш келтирасан), “бир оғзи осмонда, бир оғзи жерда”(хурсанд бўлгани) каби.

Қиссада сажъ санъати қўлланган жумлаларни ҳам учратамиз. “Тепадан ўчок қўйдириб, туя тевани сўйдириб, мусофирни тилагандек тўйдириб”, “кечани кеча қилиб, кундузни кундуз қилиб, кўзини жўлдуз қилиб”, “очилмаган бўхчамни ўзинг очтинг, сочилмаган бўхчамни ўзинг чочтинг”.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Қиссаи Жамшид”нинг халқ варианты анъанавий сюжет асосида яратилган бўлсада, унга киритилган янги образлар, янги воқеалар, киритма тасвирлар қисса мазмунини янада бойитган. Қисса тилининг турли ўхшатиш, муболаға, ирония каби бадиий сайқалланган жумлалар билан бой эканлиги, айниқса, қаҳрамонлар, воқеалар тасвирида қиссагўй томонидан қизиқарли ва жонли ўхшатмалардан унумли фойдаланилганлиги қисса бадииятини белгилаб беради. Шунингдек, киритилган ушбу ўзгаришлар қисса руҳиятини ўзбек халқи турмуш тарзига анча яқинлаштирган.